



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СУРУНКАЛИ ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁХВАНДЛИККА РУЖУ ҚЎЙГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Жумаев Синдор Жомғир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227523>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 10th April 2025

Published: 16 th April 2025

KEYWORDS

профилактика инспектори,
спиртли ичимлик, сурункали
ичкиликбозлик, алкоголизм,
гиёхвандлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторлари сурункали ичкиликбозлик ва гиёхвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолиятининг илмий назарий асослари, мамлакатимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилиётган чора тадбирлар, таклиф ва тавсиялар ёритилган.

Барчамизга маълумки мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг мақсади “Инсон – қадри учун” деган езгу ғоя асосида фуқароларни хуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Профилактика инспекторлари ўз ҳудудида сурункали ичкиликбозлик ва гиёхвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолияти долзабр масалалардан бир ҳисобланади.

Далватимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга қўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак”¹, деб бежизга таъкидмаганлар. Алкоголь маҳсулоти бу – коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни “Жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши” <https://president.uz/uz/1914>.

ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти².

Алкоголга қарамлик-алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм)³;

Гиёҳвандлик—турли хил гиёҳ моддалари яъни, наркотиклар таъсирига одам организмининг ўрганиб қолиши натижасида юзага келадиган оғир касалликдир. Гиёҳвандликнинг халқаро атамаси наркомания дейилиб, бу сўз юнонча «нарке» – карахтлик, ҳаракатсизлик, «мания»-ақлдан озиш маъносини англатади. Чунончи, наркотик моддани қабул қилган одам карахт бўлиб, ҳаракатсизланиб фикрлаш, ақлий фаолият қобилятларини йўқотади⁴.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бир қаторда ёшларни жамиятга мослаштириш, жиноятчиликка ҳамда ёшлар ўртасида спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини тарқатилишига қарши кураш билан шуғулланувчи давлат идоралари ҳамда улар тизимларида тез ва кенг қўламли ислохотлар олиб борилди.

Ёшлар орасида ичкиликбозлик ва спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларига бўлган суиистеъмоллик ҳолатининг ўсиши нафақат аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, балки катта миқдорда ижтимоий ва иқтисодий йўқотишларга ҳам сабаб бўлади.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича мактаб ёшидаги шахслар спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини қизиқиш оқибатида истеъмол қилиб кўради. 14–16 ёшлилар томонидан спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини истеъмол қилишнинг бирдан-бир сабаби унинг дўстлари даврасидан ажралиб қолишни ҳоҳламаслигида ҳисобланади. Мазкур омил кўрсаткичи 17–18 ёшлилар орасида 2 маротаба аҳамияти йўқотса, 20–30 ёшлилар орасида бу ҳолат кузатилмайди. Улар томонидан спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари лаззатланиш, ҳордиқ чиқариш мақсадларида истеъмол қилинади.

Ўтказилган тадқиқотларда хавф-хатар гуруҳига кирувчилар ёшлар қаторида қизлар ҳам мавжуд эканлигини баён қилишган. Жиноятга оид статистика ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти маълумотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари таҳлилига қараганда охирги даврда гиёҳвандилик моддаларини истеъмол қилишнинг жуғрофий кенглиги ва спиртли ичимликка ружу қўйиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг нисбати ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, “Спиртли ичимликка ружу қўйиш, сурункали ичкиликбозлик ва заҳарвандлик” жиддий криминоген ҳолат ҳисобланиб, айрим ҳудудларимизда тезкор вазиятнинг мураккаблашиб кетишига олиб келмоқда. Жамиятимиз ҳаётида бундай салбий иллатнинг йўқ қилиб юбориш, уни бартараф этиш кенг ва оммавий тарзда йирик ижтимоийсиёсий, маъмурий, тиббий ва бошқа бир қатор муаммолардан иборат бўлган комплекс масалаларни хал этиш лозим. Айниқса халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, доимий тарзда, керак бўлса жойларда тарғибот ишларини самарали амалга оширишимиз зарур. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган эркин демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотлар биринчи навбатда жамият аъзоларини тинчлигини таъминлаш, уларни эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва

² Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки аҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни. Т., 2011. 6 ўша манба.

³ www.stat.uz. Расмий сайти. 01.11.2021.

⁴ <https://oliymahad.uz/40565>. 10.04.2025.

дунёқарашининг янги давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларни юзага келтирмаслигини таъминлаш ҳамда давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган. Шунинг учун шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи “гиёҳвадлик, сурункали алкоғолизм ва захарвандлик” каби иллатлар ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки жамият тараққиётининг салбий таъсир қилувчи бу иллатлар оқибатида кўплаб жиноятлар содир бўлмоқда, оилалар барбот бўлмоқда, болалар ногирон туғилмоқда. “Гиёҳвадлик, сурункали ичкиликбоздик ва захарвандлик”ка қарши курашишда профилактика инспекторлари аввало бу каби иллатларни жамиятимизда ошиб бориши энг асосийси оилага жамиятга бориб тақалишини эътиборга олиши лозим. Буларнинг негизида эса давлат шакилланади шуни инобатга олган ҳолда бу каби “спиртли ичимликка ружу қўйиш сурункали алкағализим ва захарвандалик”ни тарқалишига аввало шу оилада яшаб турган оила аъзолари ва маҳалланинг бефарқлигидадир.

Профилактика инспектори жамиятда бу каби омилларнинг йўқотиш учун маҳалла билан доимо ёнма – ён равшда иш олиб бормоғи ўзини ўзи бошқарувчи органлар билан мажлизлар қилиб маҳалладаги нотинч оилаларни аниқлаш ва якка тартибда профилактик суҳбатлар олиб бориши лозим. Яна бр томони ичкиликбоздик ҳозирги кунда жиноятларнинг содир етилишига таъсир кўрсатувчи криминоген омиллардан хисобланади.

Жумладан: Бугунги кунда қасддан одам ўлдириш баданга энгил тан жароҳат етказиш еҳтиётсизлик орқасида шахснинг ҳаёти ёки соғлиги учун ҳавф туғдириш кўпинча зўравонлик ва ғаразгўйлик жиноятларининг шунингдек жамоат тартибига қарши содир этилади. Чунки спиртли ичимлик истеъмол килиши оқибатида оргатнизимга айникса шахснинг асаб тизимига салбий таъсир етиши натижасида асаб тизими тормизланиши, ўзини бошқара олмаслик, қилаётган хати-харакатини оқибатини англаб этмаслик ва шахснинг хулк-атворида эмацианал ҳолатларнинг салбий таъмонга ўзгариши кузатилади.

Спиртли ичимлик ва захарванд модда истеъмол қилган шахслар ўз ҳаракатларини назорат кила олмайдиган, жиззаки, кўпол бўлиб қолади. Буларнинг барчаси маст кишининг онгида жамиятдаги ўрнатилган ахлоқодоб нормалари ва қонунларига бефарқлик, яни хурматсизликни шакиллантириш билан бирга унга жамиятга зит бўлган ғайриижтимоий салбий ҳаракатлар,хулк-атворни шакиллантиради ва охир-оқибат жиноят ва ҳукукбузарликлар содир етилишига сабаб бўлади⁵.

“Спиртли ичимлик ва захарвандлик”нинг энг ҳавфли асорати шундаки, у шахсни физалогик таъмондан гиёҳванд моддаларига, спиртли ичимликларга, захарванд моддаларга, мисол килиб олганда бензин, ҳимикатлар ҳидлаш орқали, боғланиб қолишига олиб келмоқда. Бу жамиятга ва инсониятга ниҳоятта кўп зарар этказадигон офат десак муболаға бўлмайди .

Спиртли ичимлик ва захарвандаликка қарши кураш ва уни олдини олиш фаолияти барча ҳукукий фанларда ўрганилади .жумладан, тезкоркидирув фаолиятида бундай иллатга чалинган шахсларни кўлга олиш, уларнинг жамиятга келтирадиган зарарни камайтиришга оид фикрлар айтилса, жиноят ҳукуки фани предметиде уларнинг содир этган жиноятларига керакли жазо бериш ҳақида маълумот беришади, профилактика фаолиятида эса бу иллатларнинг олдини олиш чоратадбирлари белгиланади ва амалга оширилади, шунингдек, бу зарарли иллатларни ўзига ҳос ҳусусияти белгиланади ва амалга оширилади, шунингдек, бу зарарли иллатларнинг олдини олиш улар билан профилактик ишлар ўтказиш, ҳар-ҳил чоратадбирлар кўриш уларни ҳар томонлама кўп муҳитдан ўргатишни таказо этади.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг статистик маълумотномаси.

Шу ўринда “сурункали ичкиликбозлик” ўзи нима деган саволни туғилиши табиий.Биринчи навбатда бу иллатлар киши организмга оғир асоратларни келтириб чиқарувчи касалликдир, чунки спиртли ичимликка берилган одамнинг ҳаёти ва фаолияти бундай моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилишига боғлиқ бўлиб, бу нарса шасхни ҳам жисмоний ҳам руҳан ҳолдан тойишига олиб келади.

Сурункали ичкиликбозликка ружу қўйиш деганда – шахснинг спиртли ичимликлар ароқ, вино, самагон, бўза ва кишини маст қилувчи бошқа ичимликларга муккасидан кетиши, уларнинг истеъмол қилмасдан туролмаслиги ва унга физиологик боғланиб қолишидир. Сурункали ичкиликбозлик шахснинг ижтимоий хатти-ҳаракатларини содир этишига олиб келувчи асосий омиллардан бири. Айниқса сурункали ичкиликбозлик касаллиги оқибатида шахснинг маънавий қарашлари торайиб, ижтимоий фаолияти сустлашади. Оқибатда, ушбу касалликка йўлиққан шахслар оиласида меҳнат жамоасида ва жамиятда хавfli муҳитни яратадилар.

“Сурункали алкоголизм” нинг энг хавfli асорати шундаки, у шахсни физиологик томонидан “сурункали ичкиликбозлик”ка боғланиб қолишга олиб келмоқда.

“Алкоголизм” сўзи асли арабча “Ал-куҳл” сўзидан олинган бўлиб, айрим манбаларда таъкидланишича “ўтқир куқун”, “оловли сув” деган маъноларни билдиради.Дунёнинг аксарият мамлакатларида ичкиликбозлик, кашандалик, заҳарвандлик ва спиртли ичимликка ружу қўйиш каби миллий генафонддаги инсон зурриёдига, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи касалликлар зарарли одатлар кўпайиб бормоқдалигини олимлар кайд этишмоқда.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, инсонлар онгига саломатликни сақлаш ўз қўлларида эканлигини сингдириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари ва психотроп моддалари истеъмол қилишга қарши кураш олиб боришда, аввало гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишнинг мотивларини аниқлаш мақсадса мувофиқ.

Ҳуқуқий жиҳатдан тегишли қонунлар билан чеклаш орқали хал этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи қолаверса у ёки бу мамлакатдаги қонунчилик тажрибаси яққол кўрсатмоқда.Ҳозирги кунда – алкоголизм атамаси нафақат биологик ёки тиббий тушунча сифатида балки, ижтимоий тушуча сифатида ҳам қўлланилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майда қабул қилинган қонуннинг 26-моддаси:

Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширади⁶.

Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мастлик ҳолатида, спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги
“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.

хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш, спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш. Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Спиртли ичимликка ружу қўйган шахс профилактик ҳисобга олинган, шунингдек, расмий огоҳлантирилган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларни унинг яқин қариндошларининг аризаси ёки фуқаролар йиғини мурожаати ҳамда ушбу касалликка чалинганлик ҳақида тиббий хулосага асосан Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 27-октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжатларни расмийлаштиради ва тўпланган ҳужжатларни шахсни мажбурий даволашга юбориш масаласини ҳал қилиш учун судга тақдим этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлига ғов бўлиш баробарида, айниқса йигит-қизларнинг саломатлиги, келажаги, ҳаётига раҳна солмоқда. Мамлакатимизда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан манзилли профилактик чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда. Бу сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ҳар биримизнинг энг муҳим бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни “Жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши” <https://president.uz/uz/1914>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки аҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни. Т., 2011. 6 ўша манба.
3. www.stat.uz. Расмий сайти. 01.11.2021.
4. <https://oliymahad.uz/40565>. 10.04.2025.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг статистик маълумотномаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
7. Mustofaqulov B. A. O., Turg'unpo'latov A. A. O. INSPEKTORAL TIBBIY KASALLIKLARNING profilaktikasi, VA DEPUTATLIK NAZORATI PARLAMENTI //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 2-2. – B. 83-87.
8. Bobur, Mustofaqulov, Asror Ohli va Asadbek Abror Ohli Abduxalilov. “NODAVLAT NOTIJORAT TOSHQILOTLAR BILAN HAKORLIGINI TAKOMILLASTIRISH” PRAFAKTIKA INSPEKTORI. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
9. Qushboqov S. X. Usipbekov NJ Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – T. 2. – №. 12. – С. 179-182.

10. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – T. 2. – №. 18. – С. 67-69.
11. Кушбоцов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
12. Охунов З., Кушбоцов Ш. ТТСЭ (2022). Хуцубзарликларни олдини олишга оид айрим мулох, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
13. Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan xamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 23. – С. 96-103.
14. Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o 'g 'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 137-144.
15. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
16. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
17. Қушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
18. Охунов З. М., Қушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
19. Қушбоқов Ш Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
20. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
21. Алтмишев Т., Кушбоцов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид хуцубзарлигини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.
22. Қушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
23. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
24. Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
25. Аумаханович, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohrux Xasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.

26. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy Jazo Tushunchasi, Maqsadi Va Turlarining Mazmun-Mohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.
27. Qushboqov S., Jumashev O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'rni //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.
28. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
29. Кушбоков Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.
30. Кушбоков Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.

